

## Bugun Shavkat Mirziyoyev BMTda chiqish qildi. Prezident avvalgi nutqida ilgari surgan va amalga oshgan tashabbuslar sanab o'tildi



Foto: Prezident matbuot-xizmati

Bugun, 23 sentabr kuni O'zbekiston prezidenti Shavkat Mirziyoyev BMT Bosh Assambleyasining 75-sessiyasida so'zga chiqadi. Unda davlat rahbari mintaqa va global miqyosda tinchlik va barqarorlikni mustahkamlash, barqaror taraqqiyot, inson huquq va erkinliklarini ta'minlash kabi masalalarda o'z tashabbuslarini ilgari surishi kutilmoqda.

Videoanjuman shaklida o'tadigan yig'ilishda Shavkat Mirziyoyevning chiqishi Toshkent vaqti bilan soat 18:00ga to'g'ri keladi.

Nuqt oldidan «Yuksalish» umummilliy harakati prezident tomonidan 2017 yil sentyabrda, BMT Bosh Assambleyasi 72-sessiyasida ilgari surilgan va amalga oshirilgan tashabbuslarni [sanab o'tdi](#).

- «Tinchlik jarayoni, xavfsizlik sohasida hamkorlik va mintaqaviy sheriklik» mavzusida Afg'oniston bo'yicha yuqori darajadagi Toshkent xalqaro konferensiyasi tashkil etildi (2018 yil 27 mart).
- Markaziy Osiyo davlatlari rahbarlarining birinchi maslahat uchrashuvlari o'tkazildi. BMT Bosh Assambleyasining «Markaziy Osiyo mintaqasida tinchlik, barqarorlik va izchil taraqqiyotni ta'minlash bo'yicha mintaqaviy va xalqaro hamkorlikni mustahkamlash» rezolyutsiyasi qabul qilindi (2018 yil 22 iyun).
- Orolbo'yi mintaqasi uchun Inson xavfsizligi bo'yicha ko'psheriklik Trast jamg'armasiga asos solindi (2018 yil 27 noyabr).
- BMT Bosh Assambleyasining «Ma'rifat va diniy bag'rikenglik» haqidagi rezolyutsiyasi qabul qilindi (2018 yil 12 dekabr).
- Yoshlar huquqlari to'g'risidagi Konvensiya loyihasi ishlab chiqildi. U inson huquqlari bo'yicha ikkinchi Samarqand veb-forumida muhokama qilindi (2020 yil 12-13 avgust).

### Orol muammosi

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 72-СЕССИЯСИ:  
ЎЗБЕКИСТОННИНГ АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТАШАББУСЛАРИ



## ОРОЛБЎЙИ ИНҚИРОЗИДАН ЖАБР КЎРГАН АҲОЛИГА САМАРАЛИ ЁРДАМ КЎРСАТИШ

2018 йил 27 ноябрда БМТнинг Нью-Йоркдаги штаб-квартирасида Бош котиб Антониу Гутерриш иштирокида Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик Траст жамғармаси ташкил этилди:

Ўзбекистон Ҳукумати **2019-2020 йилларда** Траст жамғармасига ҳисса қўшиши режалаштирилган 6,5 млн \$дан 3,5 млн \$ ўтказди

Норвегия Ҳукумати **2018 йил 28 мартда** Траст жамғармасига 1,1 млн \$ миқдорида ҳисса қўшди

Европа Иттифоқи **2020 йил 12 мартда** Траст жамғармасига 5,0 млн € ҳисса қўшди

Финляндия **2020 йил 19 июнда** Траст жамғармасига 1,0 € миқдорида ҳисса қўшди

Корея Республикаси Ҳукумати **2019 йил 16 декабрда** Траст жамғармаси учун 1 млн \$ миқдорида грант ажратишни кўриб чиқишини маълум қилди

БАА, Япония, Европа инвестиция банки ва Германия тараққиёт банки (KfW) Траст жамғармаси билан фаол ҳамкорлик қилмоқда

ГФР, ХХР, АҚШ, РФ ва Туркия Траст жамғармаси билан ҳамкорлик имкониятларини ўрганмоқда



“

Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик Траст жамғармаси маҳаллий аҳолининг турмуш шароитларини сезиларли даражада яхшилашга ва Барқарор тараққиёт мақсадларини амалга оширишга сезиларли ҳисса қўшади. Траст жамғармаси қўллаб-қувватлайдиган дастурлар аллақачон минтақада янги иш ўринларини яратишга ёрдам берди, уларнинг 45 фоизини аёллар ташкил этади

”

АНТОНИУ ГУТЕРРИШ, БМТ БОШ КОТИБИ

2019 йил 24-25 октябрь кунлари Нукусда “Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси”, деб эълон қилиш бўйича юқори даражадаги халқаро конференция бўлиб ўтди:



**28 МАМЛАКАТДАН**  
**250 ГА**  
яқин иштирокчи  
қатнашди



“Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси”, деб эълон қилиш бўйича БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш тўғрисида Ўзбекистоннинг таклифи қўллаб-қувватланди

kunning eng o'tkir ekologik muammolaridan biri — Orol halokatiga qaratgan edi.

Davlat rahbari dengizning qurishi bilan bog'liq oqibatlarni bartaraf etish xalqaro miqyosdagi sa'y-harakatlarni faol birlashtirishni taqozo etayotganini ta'kidladi.

2018 yil 27 noyabrda Orolbo'yi mintaqasi uchun Inson xavfsizligi bo'yicha ko'psheriklik Trast jamg'armasi tashkil etildi.

### **Afg'oniston muammosi**

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 72-СЕССИЯСИ:  
ЎЗБЕКИСТОННИНГ АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТАШАББУСЛАРИ




YUKSALISH  
UMUMMILLIY HARAKAT

## АФҒОНИСТОНДАГИ ВАЗИЯТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҲАРАКАТЛАР

2018 йил 27 март куни "Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик" мавзuida Афғонистон бўйича юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси бўлиб ўтди

2018 йил апрель ойида Афғонистон бўйича Тошкент декларацияси Бош Ассамблеянинг 72-сессияси ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан икки йил аввал ўтказилган Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференцияси муҳим воқеа - Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш бўйича сиёсий жараённи бошлаш, манфаатдор томонлар ўртасидаги мулоқотнинг ўзаро мақбул шакллари ва механизмларини излаш жараёнида "бошланғич нуқта" бўлди

АШРАФ ҒАНИ, АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ



Ўзбекистон Мозори Шариф — Қобул темир йўл линияларини қуриш бўйича лойиҳани амалга оширишни, кейинчалик Покистоннинг денгиз портларига чиқишни ҳамда Мозори Шариф — Ҳирот йўналиши бўйлаб Эроннинг Чабаҳар денгиз портига чиқишни кўриб чиқмоқда



Пандемия даврида ўзбек-афғон чегараси орқали Афғонистон ҳудудида турли юкларм оунтазам етказилмоқда



Коронавирус пандемияси сабабли Ўзбекистон Афғонистонга бир неча марта озиқ-овқат, кундалик зарурий маҳсулотлар ва дори- дармонлардан иборат инсонпарварлик ёрдами жўнатди



2020 йил августда Тошкентда Ўзбекистондан Афғонистонга электр энергияси етказиб бериш бўйича 10 йиллик шартнома имзоланди



Ўзбекистон "Сурхон — Пули-Хумри" электр узатиш линиясини қуриш бўйича лойиҳа амалга оширилмоқда



2017 йил ноябрда Термизда Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази очилди



2019 йил июлда икки мамлакат тарихида Ўзбекистон Бош вазири А.Ариповнинг Мозори Шарифга илк ташрифи амалга оширилди



Ўзбекистон 2020 йил 12 сентябрда Қатар пойтахти Доҳада Қатар, Германия, Норвегия ва Индонезиядан иборат мезбон мамлакатларни қўллаб-қувватлаш гуруҳининг аъзоси сифатида Афғонистон ўртасидаги инклюзив музокараларни бошлашга фаол ҳисса қўшди



2017 йил ноябрда Қобул — Тошкент — Қобул йўналиши бўйлаб тўғридан тўғри авиақатновлар йўлга қўйилди



2018 йил октябрда Термизда Афғонистоннинг Бош консулхонаси очилди

Президент 3 йил oldingi nutqida Afg'onistonda tinchlikka erishishning yagona yo'li — markaziy hukumat va

mamlakat ichidagi asosiy siyosiy kuchlar o'rtasida oldindan hech qanday shart qo'ymasdan, to'g'ridan-to'g'ri muloqot olib borish zarurligini ta'kidlagandi.

2018 yil 27 mart kuni «Tinchlik jarayoni, xavfsizlik sohasida hamkorlik va mintaqaviy sheriklik» mavzusida Afg'oniston bo'yicha yuqori darajadagi Toshkent xalqaro konferensiyasi bo'lib o'tdi.

**Ma'rifat va diniy bag'rikenglik haqidagi rezolyutsiya**

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 72-СЕССИЯСИ:  
ЎЗБЕКИСТОННИНГ АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТАШАББУСЛАРИ



## ИСЛОМ ДИНИНИНГ ЧИНАКАМ ИНСОНПАРВАРЛИК МОҲИЯТИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ, БАҒРИКЕНГЛИК ВА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси ялпи мажлисда "Маърифат ва диний бағрикенглик" махсус резолюциясини қабул қилди:

Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган  
ушбу ҳужжат лойиҳасини БМТга аъзо барча  
давлатлар бир овоздан қўллаб-қувватлади

Резолюция Шимолий ва Лотин Америкаси,  
Осиё, Африка ва бошқа қитъалардаги  
50 дан ортиқ мамлакатларнинг  
ҳаммуаллифлигида қабул қилинди

Резолюцияни қўллаб-қувватлаш учун Қувайт, БАА, Марокаш, Уммон, Озарбайжон, Панама,  
Европа Иттифоқи ва бошқа бир қатор давлатларнинг делегациялари БМТ Бош Ассамблеяси  
йиғилишида чиқиш қилди

### ҲУЖЖАТДА

1

маърифат, тинчлик, инсон  
ҳуқуқлари, бағрикенглик  
ва дўстликни тарғиб  
қилишнинг муҳим роли  
таъкидланган

2

интеграция, ўзаро ҳурмат, инсон  
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш,  
бағрикенглик ва ўзаро  
тушунишнинг дунёда  
хавфсизлик ва тинчликни  
мустаҳкамлаш йўлидаги  
аҳамияти тан олинган

3

динлараро, маданиятлараро  
ва конфессиялараро тотувликни  
ривожлантиришга ва шахсларга  
нисбатан дин ёки эътиқод  
асосида камситишларга қарши  
курашишга қаратилган барча  
халқаро, минтақавий ва миллий  
ташаббуслар мамнуният билан  
қабул қилинган

Ҳужжат барча аъзо давлатларни фикр, виждон ва дин ёки эътиқод эркинлигини ҳимоя қилиш  
ва тарғиб қилиш бўйича саъй-ҳаракатларини фаоллаштиришга чақиради

Аъзо давлатларга ОАВ, Интернетда кенг миқёсли тарғибот ишларини олиб бориш ва  
бағрикенглик, зўравонлика қарши қаратилган ҳамда дин ёки эътиқод эркинлиги тўғрисида  
маърифий маълумотларни тарқатиш таклиф этилади

insonparvarlik mohiyatini yetkazish muhimligini ta'kidlagandi.

Davlat rahbari sessiyada BMT Bosh Assambleyasining «Ma'rifat va diniy bag'rikenglik» deb nomlangan maxsus rezolyutsiyasini qabul qilish taklifi bilan chiqqandi. Hujjatning asosiy maqsadi — barchaning ta'lim olish huquqini ta'minlashga, savodsizlik va jaholatga barham berishga ko'maklashishdan iborat.

2018 yil 12 dekabrda BMT Bosh Assambleyasi ushbu rezolyutsiyani qabul qildi.

**Markaziy Osiyodagi birdamlik**

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 72-СЕССИЯСИ:  
ЎЗБЕКИСТОННИНГ АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТАШАББУСЛАРИ



UN75  
2025-YIL VA KELGUSIBA

YUKSALISH  
UMUMMILLIY HARAKAT

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ

2017 йил 10-11 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди

2017 йил 10-11 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди

2018 йил 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеяси ялпи мажлисида “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш учун минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолюциясини қабул қилди:

Ўзбекистон томонидан Марказий Осиёнинг қўшни давлатлари билан биргаликда ишлаб чиқилган ҳужжат лойиҳасини БМТга барча давлатлар бир овоздан қўллаб-қувватлади

Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Осиё ва Африканинг 55 давлати резолюциянинг ҳаммуаллифлари бўлди

Бош Ассамблея минтақа давлатларининг Марказий Осиёда барқарорлик ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари ва ташаббусларини қўллаб-қувватлашини билдиради

Резолюция халқаро ҳамжамиятни, хусусан, БМТ тизимидаги ихтисослашган муассасаларни, фондларни ва дастурларни минтақа давлатлари ўзлари белгилайдиган Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик, интеграция ва барқарор ривожланишнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлашга қақиради

БМТ Бош Ассамблеяси қабул қилган резолюция — Марказий Осиёни ягона консолидацияланган минтақа сифатида шакллантиришдаги муҳим босқичдир

### МУНТАЗАМ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ:

#### 2018 ЙИЛ МАРТ

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви (Нур-Султон, Қозоғистон)

#### 2019 ЙИЛ НОЯБРЬ

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи маслаҳат учрашуви (Тошкент, Ўзбекистон)



mintaqasiga ustuvor ahamiyat qaratmoqda», — deya ta'kidlagan edi.

2018 yil 22 iyun kuni BMT Bosh Assambleyasi yalpi majlisida «Markaziy Osiyo mintaqasida tinchlik, barqarorlik va barqaror rivojlanishni ta'minlash uchun mintaqaviy va xalqaro hamkorlikni mustahkamlash» rezolyutsiyasi qabul qilindi.

**Yoshlar huquqlari to'g'risidagi xalqaro konvensiya**

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 72-СЕССИЯСИ:  
ЎЗБЕКИСТОННИНГ АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТАШАББУСЛАРИ



UN75  
2020-YIL VA KEYINGISIDA

YUKSALISH  
UMUMMILLIY HARAKAT

## БМТНИНГ ЁШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНВЕНЦИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

Конвенция мақсади — дунё бўйича ёшларнинг эҳтиёжларини қондириш, унинг барча энг яхши қизиқишлари, эркинлик ва ҳуқуқлари кафолатлари ҳамда потенциалини мустаҳкамлаш мақсадларида халқаро, минтақавий ва миллий даражада ҳаракатларни кучайтириш  
Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини ишлаб чиқиш босқичлари:

### КОНВЕНЦИЯ ЛОЙИҲАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БОСҚИЧЛАРИ:

- ✓ Бир қатор давлат органлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва ёшлар ННТлари, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий ва хорижий экспертлар вакилларида иборат ишчи гуруҳ тузилди
- ✓ Ишчи гуруҳ халқаро ва минтақавий тажрибаларни, 50 дан ортиқ давлатларнинг ёшлар ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчилигини ўрганиб чиқди
- ✓ Ўрганишлар натижалари бўйича Конвенция лойиҳаси ва унга ҳамроҳ материаллар тўплами ишлаб чиқилди. Улар халқаро ҳамжамият, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг кенг муҳокамасига тақдим этилган
- ✓ Конвенция лойиҳаси 40 дан ортиқ халқаро форумлар ва экспертлар ҳамжамияти йиғилишларида ҳамда халқаро экспертлар иштирокида муҳокама қилинди
- ✓ Конвенция лойиҳасини муҳокама қилиш миллий даражаларда ташкил этилди (масалан, Венгрия, Россия ва Швейцарияда). Ҳужжат Олий Мажлис ҳузуридаги Ёшлар парламентлари томонидан кўриб чиқилди
- ✓ Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳаси видеоконференцалоқа орқали 2020 йил 12-13 август кунлари бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи Самарқанд веб-форуми давомида муҳокама қилинди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази форум иштирокчиларининг ҳужжат матнида ёшларнинг манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш бўйича таклиф ва тавсияларини умумлаштиради

namoyon qilishi uchun zarur sharoitlar yaratish, zo'ravonlik g'oyasi «virusi» tarqalishining oldini olish ahamiyatini ta'kidlagandi.

Shu munosabat bilan, O'zbekiston globallashuv va axborot-kommunikatsiya texnologiyalari jadal rivojlanib borayotgan bugungi sharoitda yoshlarga oid siyosatni shakllantirish va amalga oshirishga qaratilgan umumlashtirilgan xalqaro huquqiy hujjat — BMTning Yoshlar huquqlari to'g'risidagi xalqaro konvensiyasini ishlab chiqishni taklif etmoqda.

**O'zbekiston prezidenti BMT minbarida ilk marta o'zbek tilida nutq so'zlaydi**